



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**МАДАНИЯТ ВА SAN'AT
ТАШКИЛОТЛАРИ, ИЖОДИЙ
УЮШМАЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲА ХОДИМЛАРИ
МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР
ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА**

Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, шу соҳада меҳнат қилаётган, ўзининг бадиий, ижтимоий-сиёсий руҳдаги ижодий асарлари билан халқимиз маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган шоир ва ёзувчилар, рассомлар, маданият ва санъат ходимлари, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратиш мақсадида:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, телевидение ва радио каналлари орқали бериладиган материаллар учун ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари — 3-иловага мувофиқ;

кинофильмлар учун адабий сценарийлар, оригинал мусиқа ва қўшиқлар матнини яратгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари — 4-иловага мувофиқ;

кинофильмлар учун маслаҳатлар бериш бўйича мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлашнинг энг кам ставкалари — 5-иловага мувофиқ;

кинофильмлар постановкаси учун уларнинг бадиий даражасига кўра суратга олиш гуруҳларининг ижодий ҳодимларига постановка қилгани учун тўланадиган ҳақнинг энг кам ставкалари — 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2018 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Белгилансинки, муаллифлик ҳақи ва унга доир бошқа тўлов турларини ушбу қарорнинг 1-6-иловаларида белгиланган даражадан кам миқдорда тўлашга йўл қўйилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзолари ва ходимлари, жумладан, ушбу соҳалардаги истеъдодли ва истисно бўлган ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи инобатга олинсин.

2. Қуйидагилар:
Илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари — 1-иловага мувофиқ;
оммавий ижро учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарлар яратиш бўйича буюртмаларни бажаргани учун, ҳайкалтарошлик асарлари, тасвирий санъат асарлари яратгани, бадиий лойиҳалаштириш ва конструкциялаш ишлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари, шунингдек, ушбу пул Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланганида унинг энг юқори ставкалари — 2-иловага мувофиқ;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларида назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида бўлишини қатъий таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммасига юклансин.

Фракция йиғилиши

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир неча қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тadbirkorlik субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, ушбу қонун лойиҳаси тadbirkorlik субъектларининг қонуний манфаатларини мустаҳкам ҳимоялаш, уларнинг фаолиятига давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосиз аралашувларининг олдини олишга қаратилган. Лойиҳа 28 моддадан иборат бўлиб, тadbirkorlar ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва уни лавозимидан озод этиш тартиби, унинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа масалалар тартибга солинган.

► Давоми 2-бетда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгиларини муомалага чиқариш тўғрисида

2017 йилнинг 22 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 50000 сўм бўлган банкнот қўринишида янги пул белгиларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари 144 x 78 мм. ўлчамдаги ҳимояланган қорозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафдаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герб ва «50000» рақами қўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қороз қатламда «Дарча» ва «3Д» эффекти юзага чиқиб, ичкарига ботувчи эни 4 мм. бўлган ҳимоя ипни ўтказилган.

Банкнот олд томонининг марказида Мустақиллик майдонидаги «Эзгулик» аркаси тасвирланган.

Чап юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд. Ушбу матн «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўз бирикмаси тақрорланувчи микроматли чизик билан ажратилган.

Микроматли чизик остида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKA HUDUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» матни акс этган.

Матн остида тўқ яшил рангдаги Ўзбекистон Республикаси Гери тасвирланган.

Банкнот чап тарафининг пастки қисмида 50000 рақами ва «ELLIK MING SO'M» ёзуви мавжуд бўлиб, банкнотнинг қийматини билдиради.

Юқоридаги барча тасвирлар ва ёзувлар бўртиб туради, ушлаб қўрилганда сезилади.

Марказда Ўзбекистон Республикасининг ҳошияланган харитаси жойлашган бўлиб, унинг фони «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI» сўз бирикмаси тақрорланувчи микроматли қўринишида ишланган.

Чап тараф пастки қисмидаги ва оқ рангли сатҳда жойлашган «50000» рақамлари тасвирда еттига рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмидаги махсус белги арка тасвири қўринишида бўлиб, ёруғликка қаратилганда арканинг ранги банкнот орқа томонидаги рангли фон билан тўлдирилади.

Арканинг остида банкнот чиқарилган йил «2017» кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг пастки қисмида қўриш бурчига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб қўрилганда билинадиган бўртиб турувчи «50000» рақами мавжуд.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари қўринади.

Оқ рангдаги сатҳнинг юқори қисмида арка тасвири мавжуд бўлиб, ёруғликда қўрилганда банкнот олд қисмидаги тасвир билан бири-бирини тўлдирди.

Банкнотнинг марказида «ANJUMANLAR SAROYI» метаморий биноси тасвирланган.

Тасвирнинг юқори чап бурчига бир-бирини кесиб ўтувчи «50000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан «ELLIK MING» кўрсатилган.

Шунингдек, банкнот қиймати «50000» қўринишида юқори ўнг ва пастки чап бурчакларда акс эттирилган.

Остки фон нафис чизиклар қўлланилган ҳолда ишланган миллий нақшкор безаклар ва бўртиб тургандек таассурот уйғотувчи банкнот қиймати қўринишидаги рақамли тасвирлардан иборат.

Пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI» матни жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 50000 сўм бўлган пул белгилари, айти пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

Ўзбекистон
ХДП: устувор
вазифалар

**ҲОКИМИЯТ
БИНОСИГА
КИРИШДА
ПАНДУС
ЙЎҚМИ?..**


Баъзи депутатлар ва партия фаоллари ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида нотўғри фикрлайди. 5-6 ойда уларнинг ҳолидан хабар олиш, озиқ-овқат олиб боришни электрот билан ишлаш, мулоқот ўрнатиш, ҳамкорлик қилиш, деб ўйлайди. Аслида ногиронларнинг кундалик ҳаёт тарзи, уларни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, тегишли давлат идораларига етказиш орқали масалага ечим топиш керак. Ногиронлар жамияти партиядан мана шу масалаларда фаоллик ва янги ташаббуслар кутмоқда.

2

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 август



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

БОЛА ТАРБИЯСИГА ҲАММА
БИРДЕК МАСЪУЛ

НОГИРОНЛАР ҲАМ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ФАОЛ
ИШТИРОК ЭТИШНИ ИСТАШАДИ



«Шўртан газ-кимё» мажмуаси жамоаси:

— Азиз ҳамюртлар, барчангизни энг улуг, энг азиз байрам —
юртимиз Мустақиллигининг 26 йиллиги билан қутлаймиз!



Маҳсулотлар сертификатланган.




**Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги
«Электромагнит мослашув маркази»
давлат унитар корхонаси жамоаси**
барча қўндошларимизни
Истиқлол байрами билан табриклайди.

**Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа
воситаларини республикамиз ҳудудиغا олиб кириш учун
рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан
ўтказишни расмийлаштириш
масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази
ва унинг Вилоят бўлинмаларига мурожаат этиш
лозимлигини эслатади.**

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В»,
телефон: 202-61-71, 230-61-13.
Андижон шаҳри, Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй,
49-хона, телефон: 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси,
2-уй, телефон: 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси,
АТС-4 биноси, телефон: 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақоз кўчаси,
ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.
Қарши шаҳри, 2-микрорайон, 43-уй,
62-хона, телефон: 230-64-78.

Навоий шаҳри, Амир Темури кўчаси, 4-уй,
802-хона, телефон: 230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй,
2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғи,
Радио шаҳарча, телефон: 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй,
телефон: 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй,
телефон: 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй,
36-хона, телефон: 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй,
23-хона телефон: 230-64-77.



«ТРАСТБАНК»

хусусий акциядорлик банки жамоаси

**Ўзбекистон халқини энг улуг, энг азиз
байрамимиз – мамлакатимиз
Мустақиллигининг
26 йиллиги
билан муборакбод этади.**

Байрам муносабати билан «Трастбанк» ХАБ миллий валютада
«Барқарор» номли муддатли янги омонат турини таклиф этади:
❖ Омонатнинг сақланиш муддати — 6 ой, 12 ой, 18 ой.
❖ Мазкур омонатга аҳолидан пул маблағлари нақд пул шаклида қабул қилинади.
❖ Омонат бўйича бошланғич бадал миқдори — 1 миллион сўм.
❖ Омонат бўйича фоизлар миқдор хоҳишига кўра, ойма-ой ёки омонат муддати
тугандан сўнг тўлаб берилади.
**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ «ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ
ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ» ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 244-51-95;
Call center: (+998 71) 140-00-88
www.trastbank.uz

«ТРАСТБАНК» — ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838
9236
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:40
Topshirilgan vaqti — 21:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6